## Конституция — менинг тақдиримда

***Асосий қонунимизнинг олий нуфузи, беназир қадр-қиммати шундаки, у инсон учун яратилди, унинг манфаатларига хизмат қилмоқда, инсон ҳақ-ҳуқуқлари ва эркинликларини устувор таъминлаш тамойилини онгу шууримизга сингдирмоқда.***

***Конституциянинг худди ана шу ғоявий, фалсафий, ҳуқуқий-мафкуравий, маърифий-тарбиявий салоҳиятини, мазмун-моҳиятини аҳоли кенг қатламлари, айниқса, ёшлар онгига сингдириш мақсадида муҳтарам Президентимизнинг «Ўзбекистон Республикаси Конституциясини ўрганишни ташкил этиш тўғрисида»ги Фармойиши қабул қилинди.***



# БЕНАЗИР ҲУҚУҚИЙ ҚАДРИЯТ

Фармойишда Асосий қонунимиз моҳиятини кенг омма онгига сингдиришга қаратилган Конституцияни ўрганиш дастурини яратиш назарда тутилади. Шу мақсадда мутасадди вазирлар, раҳбар ходимлар, ҳуқуқшунос олимлар ва мутахассислардан иборат нуфузли комиссия ҳам тузилди. Айни вақтда мазкур комиссия юқорида зикр этилган дастурни ишлаб чиқмоқда, шунингдек, барча даражадаги таълим турлари хусусиятларини инобатга олган ҳолда, Конституцияни ўрганишга оид махсус ўқув курслар, дарсликлар яратиш учун малакали муаллифлар жамоаларини тасдиқлади. Тегишли экспертлар гуруҳларига мўлжалланаётган ўқитиш дастурларини, методик кўрсатмаларни ва бошқа дидактик воситаларга қўйиладиган талабларни ишлаб чиқишни топширди. Шу асосда мактабгача тарбия муассасаларида тарбияланувчилар ва ўрта мактаб бошланғич синф ўқувчилари, умумий ўрта таълим тизими ўқувчилари, ўрта махсус, касб-ҳунар коллежлари ва академик лицейлар ўқувчилари учун алоҳида дастур ҳамда методикалар ишлаб чиқилмоқда.

Комиссия иш режасида Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳрида турли соҳа ва касб мутахассисларининг Конституцияни ўрганиш бўйича мунтазам семинарларини ташкил этиш, барча турдаги таълим муассасаларида дарс берувчи ўқитувчиларни тегишли йўналишда тайёрлаш, малакасини ошириш, телевидение, радио ва матбуотда Конституцияни фаол тарғиб қилиш (мавзулар рўйхати) чора-тадбирлари белгиланди. Шунингдек, «Конституция ҳақида суҳбат», «Конституция: савол ва жавобларда», «Конституция ранг-тасвир, изоҳ ва чизгиларда» каби ҳар турли рисолалар, болаларга мос фотоальбомлар тайёрлаш режалаштирилди.

Белгиланган тадбирлар ижросига жадал киришилганлигини қуйидаги жамоалар фаолиятида кўриш мумкин. Хусусан, ИИВ академияси олимлари томонидан «Ўзбекистон Республикаси Конституциявий ҳуқуқи» (дарслик), Конституция атамаларининг изоҳли луғати, Ўзбекистон Республикаси Конституциясига шарҳнинг янги нашри тайёрланмоқда, Тошкент Давлат юридик институти олимлари ноюридик олий ўқув юртлари учун конституциявий ҳуқуқ асослари бўйича дарслик ёза бошлашди, Ўзбекистон Миллий университети мутахассислари ўрта мактаб, лицей ва коллежлар учун дарсликлар тайёрлашга киришишди.

Конституцияда давлат, давлат органлари ва мансабдор шахсларнинг жамият ва фуқаролар олдида масъуллиги мустаҳкамланган (2-модда). Шунингдек, Ўзбекистон Республикасида демократия умуминсоний принципларга асосланади, уларга кўра инсон, унинг ҳаёти, эркинлиги, шаъни, қадр-қиммати ва бошқа дахлсиз ҳуқуқлари олий қадрият ҳисобланади (13-модда). Зеро, Конституция яратилаётган чоғда унинг ижодкорлари «жамики дунёвий неъматлар орасида энг улуғи — инсондир», деган фалсафадан келиб чиқиб, иш тутган эдилар.

Конституция Ўзбекистон фуқаролари учун демократик маърифий давлат фуқаролари эга бўлиши лозим бўлган барча шахсий, иқтисодий, сиёсий ва ижтимоий-маданий ҳуқуқ ва эркинликларни кафолатлаб берди. Шуни алоҳида таъкидлаш жоизки, бу борада Асосий қонунимиз «Инсон ҳуқуқлари умумжаҳон Декларацияси»нинг барча муҳим қоидалари ва тамойилларини ўзида жо этган. Инсон ва фуқароларнинг асосий ҳуқуқлари ҳамда бурчларига 23 та модда бағишланган. Қиёслайдиган бўлсак, Конституциянинг атиги 6 та моддаси (47-52-моддалар)да фуқароларнинг бурч ва мажбуриятлари мустаҳкамланган. Бир сўз билан айтганда, унда инсонни улуғлаш, унинг эркин равнақ топиши учун реал шарт-шароитлар яратиш ўз ифодасини топган.

Конституция шарофати билан ижтимоий онгимизга, ҳуқуқий тафаккуримизга замонавий янги демократик қадриятлар, тамойиллар ва ғоялар кириб келди. Булар, энг аввало, суверен давлатчилик ва одил демократик жамият қуриш ғояларидир.

Ўта муҳим жиҳати шундаки, Конституциянинг барча қоидалари, бутун ички салоҳияти ҳуқуқий давлат ва фуқаровий жамият барпо этишга йўналтирилган. Шунга кўра, биз қураётган жамият Ўзбекистон халқи учун муносиб фаровон турмушни, инсон ҳуқуқлари ва эркинликлари адолат мезонлари асосида кафолатланишини, миллий қадриятларимиз ва маданиятимиз қайта тикланишини, шахснинг маънавий-ахлоқий камолотини таъминлаб бериши тайин. Айнан ана шу нарса қонуний тарзда акс эттирилган улуғ қадриятдир.

Конституция мамлакатда кенг қамровли иқтисодий, сиёсий ва ҳуқуқий ислоҳотларни амалга оширишнинг, тамомила янги қонунчилик тизимини вужудга келтиришнинг залворли замини сифатида гавдаланмоқда. У ҳокимиятлар бўлиниши тамойили асосида барча давлат идоралари ваколатлари ҳуқуқий жиҳатдан оқилона белгилаб берилишига хизмат қилди. Замонавий парламентаризм анъаналарига мос қонун чиқарувчи ҳокимият, ижро этувчи ва суд ҳокимияти тизимини ташкил этувчи янги давлат идоралари вужудга келишига йўл очди. Булар Олий Мажлис, Конституциявий суд, Вазирлар Маҳкамаси, Омбудсман ва Амалдаги қонунчилик мониторинги институти, янги маҳаллий бошқарув органлари — ҳокимликлар, фуқароларнинг ўзини ўзи бошқарув органлари ва ҳоказолардир.

Халқимиз Конституциядаги демократик қадриятлар ва илғор ғоялар орқали маърифий дунёни англаётган бўлса, дунё Конституциямиз орқали халқимиз табиатини ва олижаноб фазилатларини англамоқда. Асосий қонунда ўзбекона одамийлик, инсонпарварлик, бағрикенглик, адолат ва саховатпешалик хислатлари ўзининг ҳуқуқий ифодасини топган — Конституциямиз муқаддимасидаёқ халқимизнинг демократия ва ижтимоий адолат ғояларига содиқлиги, муҳим мақсадлардан бири — фуқаролар тинчлиги ва миллий тотувликни таъминлаш эканлиги баён этилган. «Ўзбекистон Республикаси, — дейилади 4-моддада, — ўз ҳудудида истиқомат қилувчи барча миллат ва элатларнинг тиллари, урф-одатлари ва анъаналари ҳурмат қилинишини таъминлайди, уларнинг ривожланиши учун шароит яратади». Бу чинакам саховат ва бағрикенгликнинг қонуний ифодаси эмасми?

Бундан ташқари, қуйидаги қоидалар улкан маънавий-ахлоқий маъно касб этади: яъни, хотин-қизлар ва эркаклар тенг ҳуқуқлидир (46-модда). Аёлларнинг жамиятдаги, давлат ишлари ва оиладаги ролини юксалтириш давлатимизнинг устувор сиёсатидир. Мамлакатимиз Президенти қайта-қайта таъкидлаганларидек, оналарни эъзозлаш, аёлларга ҳурмат бажо келтириш жамиятимиз маданият даражаси ва маънавий қиёфасининг кўрсаткичидир. «Ҳар бир шахсга ўз ҳуқуқ ва эркинликларини суд орқали ҳимоя қилиш имконияти кафолатланади» (44-модда). Бунда инсонни, унинг шаъни ва қадр-қимматини муҳофаза этувчи конституциявий қоида мужассам. «Вояга етмаганлар, меҳнатга лаёқатсизлар ва ёлғиз кексаларнинг ҳуқуқлари давлат ҳимоясидадир» (45-модда). «Оила жамият ва давлат томонидан қўллаб-қувватланади ва ҳимоя қилинади» (63-модда), «Оналик ва болалик давлат томонидан муҳофаза қилинади» (65-модда). «Давлат ва жамият етим болаларни ва ота-оналарининг васийлигидан маҳрум бўлган болаларни боқиш, тарбиялаш ва ўқитишни таъминлайди, болаларга бағишланган хайрия фаолиятини рағбатлантиради» (64-модда). «Вояга етган, меҳнатга лаёқатли фарзандлар ўз ота-оналари ҳақида ғамхўрлик қилишга мажбурдирлар» (66-модда). Ушбу конституциявий қоида халқимиз табиатига мос бўлган ота-оналар ва фарзандлар ўртасидаги ўзаро меҳр-оқибатли муносабатни ифодалайди.

Умуман олганда, юқоридаги меъёрлар мазмунида ўзбек халқининг бой ички маънавий дунёси, саховати ва қадимий улуғвор маданияти, очиқ табиати акс этган. Зеро, оналарга, аёлларга чексиз ҳурмат, болажонлик, етимларга мурувват ва уларнинг бошини силаш, меҳр-шафқатлилик, оила мустаҳкамлиги учун ғамхўрлик, фарзанд тарбияси ва соғлом авлод учун курашиш — буларнинг ҳаммаси халқимизнинг сахий қалбини, бағрикенглигини намоён этувчи фазилатлардир.

Халқимизнинг маънавий-ахлоқий фазилатлари, шаксиз, узоқ тарихий тараққиёт мобайнида шаклланди, сайқал топди. Ва уларнинг энг нодирлари, хусусан, Конституцияда ўз ифодасини топди. Биргина лавҳани фикримиз далили сифатида келтирамиз. Шарқона ахлоқ-одобнинг дурдона мажмуаси бўлмиш «Қобуснома»да таълим берилишича, ҳеч бир кимса «ўзининг фойдаси учун ўзгаларга зиён етказмаслиги керак». Айнан мана шу маънодаги қоида Асосий қонунимизнинг 20-моддасида қуйидагича мустаҳкамланган: «Фуқаролар ўз ҳуқуқ ва эркинликларини амалга оширишда бошқа шахсларнинг, давлат ва жамиятнинг қонуний манфаатлари, ҳуқуқлари ва эркинликларига путур етказмасликлари шарт».

Юқорида келтирилган айрим мулоҳаза ва таҳлилларнинг ўзидаёқ Конституциямиз нақадар теран демократик фалсафий заминга, қудратли сиёсий-ҳуқуқий ҳамда маънавий-ахлоқий таъсир кучига эгалигини исботлаб турибди. Шу ўринда юқорида тилга олинган комиссия аъзоси сифатида айрим таклифларни айтишни жоиз, деб топдик.

Юртбошимиз Конституциянинг 8 йиллигига бағишланган тантанали йиғилишда сўзлаган нутқида Конституциянинг ҳар бир моддаси ҳаётимизда қандай қўлланилаётганини таҳлил этишимиз лозим, деб уқтирган эдилар. Фикримизча, бунинг учун Ўзбекистон Республикаси Конституциявий суди, Олий суди, Олий хўжалик суди, Олий Мажлиснинг Инсон ҳуқуқлари бўйича вакили (Омбудсман), прокуратура ва бошқа ҳуқуқни муҳофаза этувчи идоралар ўз фаолият йўналиши бўйича Конституция меъёрлари амалда қўлланилишининг самарасини ўрганишни мунтазам йўлга қўйсалар мақсадга мувофиқ бўлур эди.

Шунингдек, Конституцияни ўрганиш ва мукаммал билиш нафақат фуқаролар, ёшлар учун фарз, шунингдек, бу барча давлат идоралари ходимлари ва мансабдор шахслар учун ҳам зарурий талабдир. Шундан келиб чиқиб, турли соҳа ва касб эгалари бўлган мутахассис ҳамда амалиётчилар учун семинар-кенгашлар, илмий-амалий конференцияларни доимий тарзда ўтказиб турилиши йўлга қўйилса ўринли бўларди. Уларнинг мавзулари қуйидагича бўлиши мумкин.

— Судьялар ва адлия ходимлари учун «Конституцияни амалга ошириш механизми»;

— прокуратура ва бошқа ҳуқуқни муҳофаза этувчи идоралар ходимлари учун «Конституция ва фуқароларнинг ҳуқуқларини таъминлаш»;

— журналистлар учун «Конституция мавзусини оммавий ахборот воситаларида (матбуотда) ёритишни такомиллаштириш»;

— депутатлар, ҳуқуқшунос ва сиёсатшунос олимлар, мутахассислар учун «Конституция ва ҳуқуқий тизимни, қонунчиликни такомиллаштириш масалалари»;

— маърифат ва маънавият жабҳаси ходимлари учун «Конституциянинг маънавий-ахлоқий салоҳияти»... каби семинар мавзулари.

Ушбу анжуманлар туман, шаҳар, вилоятлар ва республика даражасида ташкил этилса фойдадан холи бўлмайди.

Яна бир таклиф шундан иборатки, ёшлар томонидан Конституцияни мукаммал ўрганишга салмоқли ҳисса қўшиши мумкин бўлган тадбирлардан бири сифатида ўрта мактаб юқори синф ўқувчилари, академик лицей ва коллежлар ўқувчилари ҳамда олий ўқув юртлари талабалари орасида «Конституция мавзусига бағишланган энг яхши реферат танловлари» ўтказиш жорий этилса, хайрли иш бўлар эди. Танлов ғолибларини ҳар йили Конституция куни байрами арафасида тақдирлашни анъана қилсак, энг муносиб, таҳсинга сазовор ғолиб рефератлар матнини республика матбуотида чоп этиш йўли билан рағбатлантирсак, ёшлар истеъдоди барқ уриб ривожланишига кенг йўл очилар эди.

Бундан ташқари, ўқувчи ёшлар орасида Конституция ва амалдаги қонунчилик бўйича бир неча босқичли республика Олимпиадаларини ўтказиш, радио ва телевикториналар, тест синовлари, баҳс-мунозара клублари ташкил этиш ҳам Конституцияни чуқур ўрганишга салмоқли ҳисса қўшади, деб ҳисоблаймиз.

Хулоса қилиб айтганда, Конституция ғоялари, тамойил ва қоидаларини ҳуқуқий тафаккуримиз ҳамда маданиятимиз таркибий қисмига айлантирмоқ юртимизда демократик ҳуқуқий давлат барпо этишга пухта замин яратди. Зеро, бундай давлатчиликни қарор топтириш унинг сиёсий-ҳуқуқий мафкурасини ижтимоий онгимизга сингдиришдан бошланади. Ана шу мақсадда Юртбошимиз бошлаб берган улуғ ҳаракатда фаол иштирок этмоқ ҳар биримизнинг Ватан саодати ва равнақи йўлидаги муқаддас бурчимиздир.

**Ҳожимурод ОДИЛҚОРИЕВ,**
**юридик фанлари доктори.**

# Хоҳиш ва интилишлар муштарак



**(Давоми. Боши 1-бетда).**

иқтисодиётини таназзулга олиб келади, дея башорат қилган эди. Бироқ вақт бу башоратнинг пуч эканлигини кўрсатди. Икки мамлакатнинг бирлашувидан сўнг иқтисодиётда тенглаштирув сиёсати муваффақиятли ўтказилди. Ҳозирда жаҳон бозорида немис маркасининг қадри юқори эканлиги ҳам фикримиз далилидир.

ГФР 16 федерал ҳудудлардан ташкил топган бўлиб, ҳар бир федерал ҳудуд ўз конституцияси, парламенти ва ҳукуматига эга. Давлат бошлиғи федерал президент ҳисобланиб, у Федерал Кенгашнинг махсус чақириғи билан беш йил муддатга сайланади. Мамлакатда қонун чиқарувчи ҳукумат — парламент бўлиб, у Бундестаг — депутатлар палатаси ва Бундестаг — федерал ҳудудлар палатасидан иборат. Бундестагга ҳар тўрт йилда депутатлар сайланади. Мамлакат сиёсий ҳаётида бир неча сиёсий партия ва гуруҳлар фаол иштирок этади. Аммо Бундестагга бўлган сўнгги сайловда нуфузли икки партия — Германия социал-демократлар партияси ва Христиан-демократлар иттифоқи энг кўп ўрин олишга муваффақ бўлди.

Германия жаҳондаги ривожланган «кучли еттилик» давлатлар орасида АҚШ ва Япониядан кейин учинчи ўринни эгаллайди. Мамлакат Европа Иттифоқини ташкил этиш ташаббускорларидан бири бўлган. Айни пайтда у Европани бирлаштириш йўлида саъй-ҳаракат қилмоқда. Германия шунингдек, Шимолий Атлантика блокида ҳам ўзининг муносиб ўрни ва нуфузига эга. Мамлакатимиз раҳбарининг халқаро ҳамжамият минбаридан туриб, Германияни БМТ Хавфсизлик Кенгашининг доимий аъзолигига киритиш тўғрисида билдирган ҳаётий таклифи ҳам бежиз эмас эди. Бу Германия Федератив Республикасининг жаҳонда тутган ўрни ва салоҳиятига берилган муносиб баҳо ҳам бўлди. Қолаверса, мамлакатимиз ГФРга нафақат жаҳондаги ривожланган мамлакатлардан бири сифатида, балки халқаро муносабатларнинг замонавий тизимида алоҳида ўрин тутувчи давлат сифатида ҳам қарайди.

Гарчи, ушбу давлат билан расмий муносабатларимиз 1992 йилдан бошланган эса-да, Ўзбекистон-Германия алоқалари узоқ даврга бориб тақалади. Ўтган XX аср бошларида чеварларимизнинг «Зингер» тикув машиналаридан фойдаланганлигига тарихнинг ўзи гувоҳ. Бугун эса азалий муносабатлар бутунлай ўзгача тус олди. Айниқса, мамлакатимиз Президенти Ислом Каримовнинг 1993 ва 1995 йилларда ГФРга, Германия Федерал Президенти Р.Херцогнинг 1995 йилдаги Ўзбекистонга ташрифи икки томонлама алоқалар тарихида янги саҳифаларнинг очилишига сабаб бўлди. Шу вақтгача мамлакатларимиз ўртасида 50 дан ортиқ шартнома ва битимлар имзоланди. Айни пайтда юртимизда Германия сармоядорлари иштирокида ташкил этилган 150 та корхона, «Сименс», «Даймлер-Крайсслер», «Тиссен-Крупп», «Люфтганза», «Байер», «Алкатель» каби 51 та немис фирма ва компаниялари фаолият кўрсатмоқда. Бундан ташқари, пойтахтимизда «Дойче Банк АГ», «Берлинер Банк АГ», «Коммерцбанк АГ» ва «Дрезднер Банк АГ» каби немис банкларининг ваколатхоналари ҳам самарали ишламоқда. Бунинг натижаси ўлароқ, ўзаро савдо ҳажми ўтган йиллар ичида бир неча маротаба ўсди. 2000 йилда бу борадаги кўрсаткич 291,9 миллион АҚШ долларини ташкил этди.

Шуни ҳам айтиш керакки, мамлакатларимиз ўртасидаги ҳамкорлик фақатгина иқтисодий алоқалар билангина чегараланиб қолаётгани йўқ. Негаки, маданият, санъат, фан ва халқ таълими соҳаларида ҳам икки томонлама муносабатлар кенг қулоч ёзмоқда. Германияда Ўзбекистон маданияти кунларини, Кёлн, Потсдам, Штутгарт, Гамбург, Мюнхен, Ганновер каби шаҳарларда ўзбек санъати кўргазмаларининг ўтказилиши фикримиз далилидир. Бундан бир муддат олдин мамлакатимиз театр ва кино санъати усталари Тюбинг, Берлин, Котбус, Манхайм ва Мюльхаймда ўтказилган фестивалларда ҳам фаол иштирок этишди. Табиийки, бу тадбирлар икки халқни бир-бирига янада яқинлаштирадиган энг таъсирчан восита бўлиб хизмат қилмоқда.

Тўғри, Ўзбекистон билан Германия ўртасидаги масофа яқин эмас. Бири Европа, иккинчиси Марказий Осиё марказида жойлашган. Бироқ ўзбек ва немис халқларининг кўнглидаги яқинлик олдида узоқ масофа ўз қадрини йўқотади. Президентимизнинг учинчи бор ушбу мамлакатга қилаётган расмий ташрифи эса давлатларимиз ўртасидаги алоқаларнинг янада ривожланишига хизмат қилиши шубҳасиздир.

**Фурқат САНАЕВ,**
**«Халқ сўзи» мухбири.**

**Давлат геология ва минерал ресурслари қўмитасида Геологлар кунига бағишланган тантанали мажлис бўлиб ўтди. Ушбу касб байрами, анъанага кўра, апрел ойининг биринчи якшанбасида нишонланади.**

## Геологлар кунига бағишланди

**Мажлисда Ўзбекистон геологлари мамлакатимизнинг иқтисодий салоҳиятини мустаҳкамлаш, тоғ-кон ва ёқилғи-энергетика саноати учун минерал хомашё базасини кенгайтириш бўйича зиммасига юклатилган вазифаларни сидқидилдан амалга ошираётгани таъкидланди. Ҳозирги пайтда соҳа меҳнаткашлари олдида янги вазифалар турибди. Уларнинг ҳал этилиши мамлакат иқтисодиёти, халқимиз фаровонлигининг янада равнақ топишига замин ҳозирлайди. Хусусан, нефть, газ, олтин, мис, темир ва бошқа фойдали қазилмаларнинг янги конларини қидириб топиш ва саноат асосида ўзлаштиришга топширишни янада жонлантириш лозим.**

**Тантанали мажлисда Ўзбекистон геология хизмати фахрийлари, соҳанинг энг яхши ходимлари иштирок этди.**

**(ЎзА).**

# Кичик ва ўрта бизнес: ҳуқуқий муҳофаза масалалари

**(Давоми. Боши 1-бетда).**

Тошкент шаҳрида ҳам корхоналарни рўйхатга олишда амалдаги қонунчилик бузилишига, қўшимча, қонунда кўзда тутилмаган ҳужжатлар талаб қилинишига йўл қўйилмоқда. Хусусан, Тошкент шаҳрида фаолият юритаётган “Тошшаҳармаишийиттифоқ” бирлашмаси томонидан тадбиркорларга аҳолига маиший хизмат кўрсатиш гувоҳномаси берилган. Бунда тадбиркорлардан иттифоққа мажбурий тартибда аъзо бўлиш ва 2 мингдан 50 минг сўмгача миқдорда аъзолик бадаллари тўлаш талаб қилинган.

Давлат ёнғин назорати, Санитария-эпидемиология хизмати идоралари асоссиз текширувлар ўтказиш амалиётини давом эттираётир. Ҳуқуқни муҳофаза қилиш ва солиқ идоралари томонидан тадбиркорларга асоссиз талаблар қўйиш, уларни маъмурий ва жиноий жавобгарликка тортиш ҳолатлари содир этилмоқда.

Оқибатда Тошкент шаҳрининг Юнусобод, С.Раҳимов ва бошқа туманларида тадбиркорларни асоссиз равишда жиноий жавобгарликка тортиш ҳолатларига йўл қўйилган. Адлия вазирлиги ва шаҳар адлия бошқармасининг аралашувидан сўнг жиноий жавобгарликка тортилган 16 нафар тадбиркор оқланди, судларга тақдим этилган 19 даъво аризасидан 15 таси қондирилди, 3 нафар милиция ва санэпидстанция ходимига нисбатан жиноий иш қўзғатиш тавсия этилди.

Адлия вазирлиги тижорат банкларининг 44 та бўлими ва филиалида ўтказган текширувлар натижасида тижорат банкларида белгиланган кредитлаш тартиби бузилишига, тадбиркорлардан қўшимча ҳужжатлар, турли маълумотномалар талаб қилинишига йўл қўйилаётгани, кредит аризалари ўз вақтида кўриб чиқилмаётгани аниқланди.

2000 йилда тадбиркорлар ўртасида ўтказилган ижтимоий сўров натижалари шуни кўрсатадики, Тошкент шаҳрида ҳокимликлар ишини “ёмон” ва “деярли ёмон” деб баҳолаган тадбиркорларнинг катта қисми С.Раҳимов ва Чилонзор туманларига тўғри келади.

Адлия вазирлиги тадбиркорликни ҳуқуқий муҳофаза қилиш аҳволини ўрганиш жараёнида турли назорат ва текширув идораларининг тадбиркорлар фаолиятига аралашуви корхоналар тугатилишининг асосий сабабларидан бири эканлигини аниқлади. Кейинги пайтда “Текширувларни рўйхатга олиш дафтари” жорий қилинганидан сўнг текширув ва назорат органларининг ходимлари кичик ва ўрта бизнес корхоналари фаолиятига аралашишнинг ўзига хос яширин шаклларини қўлламоқда.

Йиғилишда Кенгаш аъзолари республиканинг бошқа ҳудудларида ҳам шундай ҳолатларга оид кўплаб далилларни қайд этишди. Шу муносабат билан кичик ва ўрта бизнес субъектлари ҳамда тадбиркорларнинг конституциявий ҳуқуқлари бузилишида айбдор деб топилган шахсларнинг жавобгарлигини кучайтириш, уларга нисбатан эгаллаб турган вазифасидан озод қилиш ва жиноий жавобгарликка тортишгача бўлган чораларни қўллаш таклифи билдирилди.

Шу нарса алоҳида таъкидландики, Товар ишлаб чиқарувчилар ва тадбиркорлар палатаси, унинг Тошкент вилояти ва Тошкент шаҳридаги ҳудудий тузилмалари етарлича фаолият кўрсатмаяпти, тадбиркорлар, кичик ва ўрта бизнес субъектлари ҳуқуқларини ҳимоя қилиш масалаларида сусткашликка йўл қўймоқда.

Муҳокама якунида Тошкент вилояти ва Тошкент шаҳрида кичик ва ўрта бизнес, хусусий тадбиркорликни ҳуқуқий муҳофаза қилиш, уларнинг ривожланиши учун шароит яратиш борасида олиб борилаётган ишлар етарли эмас деб топилди.

Кенгаш Тошкент вилояти ва Тошкент шаҳри ҳудудий комиссияларига тадбиркорларни қўллаб-қувватлаш ва ҳуқуқий муҳофаза қилиш бўйича мажмуавий ҳудудий дастур ишлаб чиқиш ҳамда уни амалга ошириш, ҳудудий комиссия фаолияти учун масъул шахсларни аттестация қилиш, шаҳар ва туманлар ҳокимлари, тадбиркорлар ва ҳуқуқни муҳофаза қилиш идоралари вакиллари иштирокида тегишли семинар-кенгашлар ўтказиш, барча жойларда “ишонч телефонлари” узлуксиз ишлашини таъминлашни топширди.

Шунингдек, йиғилишда Меҳнат ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш вазирлигининг Аҳоли бандлигига кўмаклашиш жамғармасининг тадбиркорликни қўллаб-қувватлаш ҳамда ишчи ўринлари яратишга оид фаолияти тўғрисидаги ҳисобот тингланди. Бунда Жамғарма инвестициялари юқори самара бермаётгани қайд этилиб, унинг фаолиятини жонлантириш ва самарадорлигини оширишга доир чора-тадбирлар белгиланди.

Мувофиқлаштирувчи кенгаш муҳокама этилган масалалар юзасидан тегишли қарорлар қабул қилди.

**(ЎзА).**

**Долзарб мавзу**

# Оқсимдан сақланиш ўзимизга боғлиқ

Қўшни республикаларда қайд этилган ўта хавфли оқсим (яшчур) касаллигининг Сирдарё вилояти ҳудудига кириб келишининг олдини олиш ва унга қарши курашиш бўйича қатор тадбирлар амалга оширилмоқда. Барча шаҳар ва туманларда вилоят эпидемияга қарши кураш фавқулодда комиссияси томонидан тасдиқланган ва эпизоотияга қарши қаратилган режаларнинг бажарилиши устидан қаттиқ назорат ўрнатилган. Жойларда мазкур масалага мутасадди бўлган ташкилот ва муассаса раҳбарлари мутахассислари иштирокида кенгайтирилган йиғилишлар ўтказилмоқда. Одамлар ўртасида тушунтириш ишлари олиб борилмоқда. Вилоятда радио ва телевидение, оммавий ахборот воситаларида касалликнинг келиб чиқиши, унинг белгилари, олдини олиш чоралари, аҳолини сезгир бўлишга даъват этувчи материаллар бериб борилмоқда.

Ички ишлар, божхона ва ветеринария хизмати ходимлари чорва молларини, шунингдек, гўшт, сут маҳсулотларини вилоят ҳудудида четдан олиб келинишини таъқиқладилар. Барча гўшт дўконлари, кушхона, мол ва деҳқон бозорлари, гўшт ва сут маҳсулотлари билан савдо қилувчи шохобчалар, маҳсулотларни қайта ишловчи корхоналарда санитария-гигиена қоидалари бажарилиши қаттиқ назоратга олинди.

Аммо шунга қарамасдан ҳали бу борада қилиниши зарур бўлган ишлар кўп. Вилоятда 13 та мол бозори мавжуд. Бироқ уларнинг бирортасида ҳали дезотўшамалар йўқ. Оқолтин, Шароф Рашидов, Сайхунобод, Меҳнатобод туманларида эса махсус кушхона ёки молларни сўйиш майдончалари мавжуд эмас. Чегаралардаги божхона масканларида дезотўсиқлар қўйиш масаласи ҳам охирига етказилмаган.

Гулистонда бўлиб ўтган йиғилишда ана шу масалалар тилга олинди. Мажлисни вилоят ҳокими А.Исроилов бошқарди. Кун тартибидаги масала бўйича вилоят ветеринария бошқармаси бошлиғи Р.Йўлдошев, санитария-эпидемиология станцияси бош врачи А.Эрматов, божхона бошқармаси бошлиғининг ўринбосари С.Мақсудовларнинг берган ахборотлари вилоятда оқсим касаллиги бўйича вазият барқарор бўлишига қарамай аҳоли ўртасида олиб борилаётган тушунтириш ишлари ҳали талаб даражасида эмаслиги, бу борада одамларни сергаклантириш мақсадга мувофиқлигини кўрсатди.

Йиғилишда вилоят ҳокимлиги қошида оқсим касаллигининг олдини олиш, белгиланган тадбирларнинг бажарилишини таъминлаш, мазкур масала юзасидан маълумотларни таҳлил қилувчи штаб тузилди. Ана шундай штаблар туман ва шаҳар ҳокимликлари қошида ҳам ташкил этилди ва уларнинг кенг фаолият юритишлари учун зарур шарт-шароитлар яратилди.

***Алиқул ХОНИМҚУЛОВ,***
***«Халқ сўзи» мухбири.***



# Эртаги ҳаракат, кузги барака даракчиси

***Э.Усмонхўжаев номли ширкат хўжалиги Бағдод туманидаги илғор жамоалар сирасига киради. Хўжалик деҳқонлари бу йил 612 гектар майдонда бошоқли дон парваришламоқда.***

***Бу йил баҳорнинг эрта келиши хўжалик деҳқонларига қўл келди. Мавжуд 920 гектар майдонга чигит қадаш ишлари тугалланиш арафасида. 160 гектар ерга плёнка остига экилган чигит аллақачон иккиқулоқ бўлиб бўй кўрсатишга улгурди. Хўжалик деҳқонларининг бу йилги аҳдлари улкан: ғалладан 50, пахтадан эса 40 центнердан ҳосил кўтариш.***



**СУРАТЛАРДА: кекса пахтакор Мамазиё Қодиров хўжаликнинг Зайниддин Абдуллаев бош бўлган бригадаси далаларида.**
**Тоҳиржон ҲАМРОҚУЛОВ олган суратлар.**

# Шарқ рақсининг гавҳари

***Қўшиқ... Ҳаётимизни қўшиқсиз тасаввур қилиб бўладими? Асло! Ахир инсон маънавий борлиғининг энг азиз инъомларидан бири қўшиқ-ку. Қўшиқ ҳақида гап кетганида, уни кимдир «жон озиғи» дея таърифлайди, бошқа биров «одамга ҳамиша ҳамроҳ» дейди, яна кимлардир «мададкор» деб нисбат беради... Мен эса қўшиқни «тарихнинг акс-садоси» дегим келади. Далил сифатида машҳур қўшиқбардоримиз Тамара Хоним қўшиқларини қайд этгим келади. Бу ўринда Юртбошимиз Украинага қилган сафари чоғида «Ай-да Галя и Султан, Украина и Узбекистан» сўзлари билан айтилиб келган ва ўзбек, украин халқларининг дўстлигини янада равнақ топтиришга баракали ҳисса қўшган қўшиқ ҳақидаги самимий сўзларини эсга олиш жоиздир. Бу ажойиб қўшиқни Тамара Хоним жўшиб куйлаганди ва у айниқса уруш йилларида, кейин ҳам ниҳоятда оммавийлашиб кетганди.***



Тамара Хоним дунёдаги 86 халқнинг тилида қўшиқ куйларди. Назаримда, жаҳонда бунақанги беназир санъаткор, беқиёс иқтидор, буюк ижрочи ҳали бўлмаган. У жаҳон халқларининг тилларида куйларкан, ёлғиз қўшиқнигина ижро этмасди, балки ўша халқнинг дурдона, ноёб рақсини ҳам пайванд айлаб, тараннум қиларди. Ушбу талқинда қўшиқ ва рақс шунақанги омухта бўлиб, жон риштаси, қалб кўри, тафаккур нури билан чатишиб кетардики, инсонга лаззат бағишларди, ором бахш этарди. Ҳа, бу ижро мумтозлик даражасига кўтариларди.

«Тарихга назар ташламайдилар, унга кириб борадилар, шунда тарих янгидан-янги жилоларини, парданишин қирраларини очади, қиёсламоқ учун мисли кўрилмаган имконият беради, қиёсламоқдан эса ҳақиқат мезони юзага келади», деган эди машҳур драматург Хуршид. Унинг «Фарҳод ва Ширин», «Лайли ва Мажнун» саҳна асарларида 20-йиллардаёқ етакчи ролларни ижро этган Тамара Хоним устознинг «тарихга кириб бориш» ҳақидаги панд-насиҳатларини умр бўйи эсдан чиқармади. Арабча, ҳиндча, эронча, япон, хитой, испанча, арманча, рус, яҳудий, мўғул, тожикча, туркча, афғонча қўшиқлар, рақсларнинг келиб чиқиш тарихини синчковлик билан ўрганди. Энг халқчилларини саралади, тилини заргарона ўзлаштирди, либосу тақинчоқларини, маъно-мақсадларини идрок этишга интилди.

Буюк санъаткор у ёки бу халқнинг қўшиғу рақсини ижро этаркан, ўша миллат вакилининг қиёфасига кириб кетар, унинг руҳияти, севинчу дардларини ўша нозиклик, юксак маҳорат билан акс эттириб, тингловчини ҳайратда қолдирарди. Тамара Хоним қўшиқларини фақат тингламасдилар, балки мириқиб томоша қилардилар. Ҳа, бу фақат қўшиқ ёхуд рақс эмасди — бу улкан, қайтарилмас томоша, «бир артист театри» эди..

Театр санъати ҳақида сўз кетаркан, Тамара Хоним Хуршид, Ғулом Зафарий, Қори-Ёқубов, Шораҳим Шоумаров, Музаффар Муҳамедов, Маннон Уйғур, Ҳалима Хониму Лутфихонимлар сингари мусиқий драмамиз тамал тошини қўйганлар қаторида туради. Қалдирғоч намояндаларимиздан бўлган бу хассос санъаткор ўзбек опера ва балет театрининг дастлабки ташкилотчиларидан бири ҳамдир. Ўзбек давлат филармониясининг ташкил этилишида Муҳиддин Қориёқубов ва Тамара Хонимларнинг ўрни, ижодий изланишлари беқиёс. Бу икки санъаткор миллий эстрадамизга ҳам саховатли кўприк ташлаб, 20-йиллар бошидаёқ бу соҳада довруғ тарата бошлагандилар.

Улар ўзбек санъатини, ижрочилик маданиятини XX асрнинг 20-йилларидаёқ биринчи бўлиб ғарб мамлакатларига олиб чиққан саҳнамиз қалдирғочлари эди. 1925 йилда Парижда ўтказилган жаҳон амалий санъати кўргазмасида қатнашиб, ўз ижро маҳоратлари билан довруғ таратдилар. Кейин Германия сафари кечди. Уларнинг иқтидори, миллий қўшиқларига матбуотда катта баҳо берилди. Шу даврда бу икки ажойиб санъаткор Москва ва бошқа йирик шаҳарларда ҳам «Шарқ кечалари» дастурида дебоча чиқишлар қилдилар. 1935 йилда эса Уста Олим, Абдуқодир Исмоилов, Тамара Хоним, Тўхтасин Жалиловлар Лондонда ўтказилган Халқаро рақс санъати фестивалида иштирок этишди. Унинг олтин медаллари Тамара Хоним ва Уста Олимга насиб этди. Бу юксак мукофотларни Буюк Британия қироличасининг ўзи топширганди. Лондон матбуоти ўшанда Тамара Хонимни «Шарқ рақсининг гавҳари» дея, атаганди...

Устоз санъаткорнинг оқ фотиҳасини олган ёшлар талайгина. У айниқса болаларни яхши кўрарди, улар орасида иқтидорлисини пайқаб қолса алоҳида эътибор берарди. Биринчи бор чоп этилаётган мана бу суратда ҳам Хонимнинг нақадар болажонлиги кўзга ташланиб турибди — унинг тиззасида ўтирган Муҳиддин исмли болакай эндиликда ёш ва иқтидорли эстрада ижрочиларидан.

1906 йилда таваллуд топиб, гўзал Фарғона водийсида ўсиб улғайган ва 13 ёшида Марғилонда машҳур Юсуф-қизиқ, Уста Олимлар етакчилигида саҳнага пойқадамини қўйган Тамара Хоним ўзининг улкан иқтидори, буюк ижрочилик қобилияти билан оламга довруғ таратди. Жавоҳарлаъл Неру, Алексей Толстой, Робиндранат Тагор, Мая Плисецкая, Аброр Ҳидоятов, Юрий Гагаринларнинг юксак баҳосига, олқишига сазовор бўлди. У ҳозир орамизда бўлганида 95 баҳорни кўрган бўлурди.

Халқимиз, республика ҳукумати Тамара Хонимнинг эл-юрт олдидаги, санъатимиз равнақи йўлидаги буюк хизматларини юксак баҳолади — унга «Ўзбекистон халқ артисти» фахрий унвони берилди, беназир санъаткор Давлат мукофоти совриндори ҳам эди. Истиқлол улуғ аждодларимизни ва улар бизга инъом этиб кетган бой маданий-маънавий қадриятларни кўз қорачиғидек асрашга, кенг тарғиб этишга имкониятлар яратиб бераётган экан, Тамара Хоним номи, унинг ёрқин хотираси мангуликка юз тутавергай...

**Баҳриддин НАСРИДДИНОВ,**
**театршунос олим.**

# Марҳабо, «Баркамол авлод!»

***Жиззахда мамлакатимиз мустақиллигининг 10 йиллигига бағишлаб ўтказиладиган «Баркамол авлод» Республика спорт ўйинларига қизғин ҳозирлик кўрилаяпти.***

Аввало, ўрта махсус, касб-ҳунар таълими тизимидаги ўқув муассасалари ўқувчи-ёшларининг «Баркамол авлод» спорт ўйинлари I- республика мусобақаларининг Жиззахда ўтказилиши ҳақида. Бу ўз-ўзидан бўлгани йўқ, албатта. Ўтган йили фойдаланишга топширилган спорт коллежи кўпчиликнинг эътиборига тушиб улгурди. Вилоят марказидаги «Истиқлол» теннис корти эса халқаро мусобақалар масканига айланди. Шаҳар-қишлоқларда қад ростлаган замонавий коллежлар, стадионлару майдончалар спортнинг оммавийлашиши учун катта имкониятлар яратаяпти.

30 апрелдан 5 майга қадар бўладиган «Баркамол авлод» спорт ўйинлари пайтида Жиззах Қорақалпоғистон Республикаси ва барча вилоятлардан 2 минг нафарга яқин йигит-қизларни қабул қилади. Спортчи ва меҳмонларни кутиб олишдан тортиб то кузатиб қўйгунга қадар барча юмушлар режалаштирилган, дастурлар тузилган. Махсус штаб фаолият кўрсатаяпти.

Энг масъулиятли иш марказий ўйингоҳда қолган. Бу ерда енгил атлетика мусобақаларини кўнгилли ўтказиш учун



қисқа фурсатда 60 миллион сўмлик иш бажариш зарур. Қўшимча ўриндиқлар ўрнатиш, югуриш, сакраш жойларини қайта таъмирлаш, жиҳозлаш жиддий эътибор талаб этмоқда.

Бахмал туманида қурила бошлаган янги спорт мажмуини қолган фурсатда тугаллашнинг ўзи бўлмайди. Волейбол мусобақалари ўтказиладиган спорт залларига ҳозирданоқ мутахассисларнинг меҳри тушиб қолган.

— Рости, қурилиш билан боғлиқ муаммоларимизни муддатидан олдин ечишимизга шубҳа йўқ, — дейди «Баркамол авлод» спорт ўйинлари биринчи республика мусобақаларини ўтказиш вилоят ташкилий қўмитаси раиси ўринбосари, штаб бошлиғи Қудратилла Рафиқов. — Чунки бу борада анча тажриба тўплаганмиз.

Жиззах шаҳри, Пахтакор, Бахмал ва Ғаллаорол туманларида ободонлаштириш ва кўкаламзорлаштириш ишлари, маъмурий бино ҳамда иншоотларни, кўча-хиёбонларни безаш, тарихий жойлар ва обидаларни мусобақа қатнашчиларига намойиш этиш учун ҳозирлик кўрилаяпти.

Мусобақа кунлари вилоят марказида «Олимпия шаҳарчаси» фаолият кўрсатади. Бу ерда йигит-қизлар учун ранг-баранг маданий тадбирлар уюштирилади. Улар юксак савиядаги маиший, савдо хизматидан баҳраманд бўлишади. Ёпиқ сув ҳавзаси, гўзаллик салони, кафетерийлар ҳам уларнинг хизматида бўлади.

Илк бор ўтказилаётган «Баркамол авлод» спорт мусобақалари машъаласи Тошкент вилоятидаги «Қуёш ўчоғи»да ёқилиб, Сирдарё вилояти орқали Жиззахга етиб келади. Бу маросимда барча вилоятлар спортчиларининг вакиллари иштирок этишади.

Яна бир эътиборли томони, машъала Паркент туманидаги «Қуёш - физика» илмий маркази тавсияси билан қуёш нури ёрдамида ёқилади. Келгусида тарихий бўлиб қоладиган, қўлдан-қўлга ўтадиган бу машъала доимо қуёш нуридан қувватланиб туради. Бунда эса ўта кучли рамзий маъно мужассам: ёшларимизни катта спортга тайёрлайдиган, мусобақаларнинг жаҳон андозалари даражасида ўтишини таъминлайдиган «Баркамол авлод» ўйинлари доимий ва қуёш нури каби қувватли бўлиб қолади.

**Баҳриддин САТТОРОВ,**
**«Халқ сўзи» мухбири.**

**Миннатдорлик**

## ЯХШИЛАР БОР БЎЛСИН

**Инсон дунёга келар экан, фарзандининг камоли, роҳатини кўриб яшагиси келади. Ҳеч кимни ўз боласи — жигаридан жудо қилмасин экан. Ўша машъум воқеа бундан саккиз йил бурун юз берган эди. Қизим Розахон Республика инкассация бирлашмасида ишларди. Тўсатдан оғир бетоб бўлиб қолди. Унга югурдик, бунга югурдик, куни битган экан, асраб қололмадик. Бевақт келган ажал фарзандимизни олиб кетди.**

**Бу дунёда яхшилар ҳам кўп экан. Айнан ўшалар ғамнок қалбимизга ҳаёт чироғини ёқишди. Инсоннинг инсонга меҳри нақадар зарурлигини ана шунда билдим. Ўзимизни қўярга жой тополмай юрган кезларимизда раҳматлик қизимнинг ҳамкасблари кўнглимизни кўтариш учун тез-тез хонадонимизга келиб, ҳолимиздан хабар олиб туришди. Кейинчалик уларнинг келишини интизорлик билан кутадиган бўлиб қолдик. Шуларни кўрсак, қизимиз уйимизга кириб келаётгандай бўлаверади. Буни сезишдими, қизимизнинг касбдош дугоналари бизни бир кун ҳам ёлғиз қўйишмади. Яхши кунларимизда ҳам, ёмон кунларимизда ҳам биз билан бирга бўлишди. Байрамларда, хотира кунида йўқлаб туришади. Зарур бўлганда моддий ёрдам ҳам кўрсатдилар.**

**Бу аҳилликнинг, меҳрибон инсонларнинг борлиги ва кўплигининг нишонасидир. Илоҳим, одамларнинг қалбларини меҳр-оқибат туйғуси асло тарк этмасин. Яхшилар бор бўлсин.**

**Асқар ҲУСАНОВ,**
**пенсионер, Тошкент шаҳри.**


ДИҚҚАТ — ТЕНДЕР

СИРДАРЁ ВИЛОЯТ КАПИТАЛ ҚУРИЛИШ БОШҚАРМАСИ

**Сирдарё вилоятида 2001 йилда қурилаётган 15 та қишлоқ врачлик пунктлари ва 5 та касб-ҳунар коллежларига мулкчилик шаклидан қатъи назар, ташкилотлар, корхоналар ва фирмаларни танлов (тендер) савдосида қатнашишга таклиф қилади ва шу танлов асосида қуйидаги материаллар, ускуналар ва жиҳозларни сотиб олади:**

1. *Кабель маҳсулотлари, очиқ ва ёпиқ симлар. Ёритгичлар, вентиляторлар, насослар, трансформатор подстанциялари, ташқи ва ички электр ва автоматика қурилиш материаллари ва ускуналари.*
2. *Ёнғинга қарши қурилиш материаллари, сигнал ускуналари, теле-радио, телефон, вақт белгилаш ускуналари ва материаллари.*
3. *Умумий овқатланиш пункти ва технологик ускуналари ва жиҳозлари.*
4. *Оқава сувларни тозалаш иншоотлари тизими, ташқи ва ички иситгич, газлаштириш, сув таъминоти, сантехника қурилиши материаллари ва ускуналари.*
5. *Металл-прокат, арматура, пластмасса қувурлари, метизлари ва ҳар хил бошқа ускуналари.*
6. *Ёғоч-дурадгорлик тайёр маҳсулотлари ва жиҳозлари.*
7. *Линолеум, керамика, кафель-плита ва бошқа пардоз материаллари.*

**Танлов қатнашчилари - тендер ҳужжатларини сотиб олувчилар Танлов (тендер) савдоларини ташкил этиш Сирдарё вилоят филиалига қуйидаги манзилга мурожаат қилишлари мумкин:**

**Гулистон шаҳар, Ахтамов кўчаси, 30-уй. Тел./факс: (8-367-2) 27-64-84, телефон 27-64-42.**

**Таклиф (оферталар) савдо ташкилотчиси томонидан 2001 йил 15 августгача қабул қилинади.**

*Тендер ҳужжатлари нархи 10000 сўм.*

3979







Ўзбекистон Республикаси Ташқи иқтисодий алоқалар вазирлигининг «Ўзэкспомарказ» РСКМ раҳбарияти ва жамоаси бўлим бошлиғи Холмурод Эгамбердиевга отаси **Воҳид ЭГАМБЕРДИЕВнинг** вафоти муносабати билан чуқур таъзия изҳор қиладилар.

Ўзбекистон Телерадиокомпанияси жамоаси «Ахборот» дирекциясининг муҳаррири **Муҳаммадали БЕГАЛИЕВнинг** вафот этганлиги муносабати билан марҳумнинг оила аъзоларига чуқур таъзия изҳор этади.

Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги стратегик ва минтақалараро тадқиқотлар институти жамоаси директор ўринбосари А. Паттоховга падари бузруквори **АБДУВОСИҚ хожи отанинг** вафот этганлиги муносабати билан чуқур таъзия изҳор этади.

Биринчи Тошкент Давлат Тиббиёт институти ректорати, клиника ва жамоат ташкилотлари, МИТ лабораториянинг собиқ бўлим раҳбари тиббиёт фанлари доктори **Бобир ИСЛАМОВнинг** вафот этганлиги муносабати билан оила аъзоларига чуқур таъзия изҳор этади.

Ўзбекистон Давлат Жаҳон тиллари университети ректорати ва жамоат ташкилотлари, капитал қурилиш бўйича ректор муовини доцент Неъмат Рўзиевга волидаи муҳтарамаси **Майна НОРМУРОДОВАнинг** вафот этганлиги муносабати билан чуқур таъзия изҳор этади.

Тошкент Ирригация ва қишлоқ хўжалигини механизациялаш инженерлари институти раҳбарияти ва жамоаси «Фалсафа ва маданиятшунослик» кафедраси доценти Тўйчи Бойтўраевга онаси **Ойниса БОЙТЎРАЕВАнинг** вафот этганлиги муносабати билан чуқур таъзия изҳор этади.


**«ХАЛҚ СЎЗИ»**
**«НАРОДНОЕ СЛОВО»**

МУАССИСЛАР:
Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Кенгаши ва Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси

Бош муҳаррир:
Аббосхон УСМОНОВ

Таҳрир ҳайъати:
Э. БОЛИЕВ (масъул котиб — «Халқ сўзи»),
М. ЕГОРОВ (масъул котиб — «Народное слово»),
Ш. ЖАББОРОВ (бош муҳаррир ўринбосари — «Халқ сўзи»),
С. ЗИНИН,
М. МИРАЛИМОВ,
С. МУҲИДДИНОВ,
Ш. РИЗАЕВ,
М. САФАРОВ,
Р. ФАРҲОДИЙ,
И. ХУДОЁРОВ,
И. ШОҒУЛОМОВ,
О. ҚАИПБЕРГЕНОВ (бош муҳаррир ўринбосари — «Народное слово»),
Ў. ҲОШИМОВ.

БЎЛИМЛАР:
*Ижтимоий-сиёсий ҳаёт — 133-57-34; 133-78-92*
*Иқтисодиёт — 136-36-65; 132-10-65*
*Маънавият ва маърифат — 136-35-60;*
*Газетхонлар билан алоқа ва минтақалар — 136-29-89, 133-07-48;*
*Фан, соғлиқни сақлаш ва халқ таълими — 132-12-08;*
*Янгиликлар ва халқаро ҳаёт — 132-11-15;*
*Котибият — 133-10-28;*
*Эълонлар — 136-09-25.*

**Ўзбекистон Республикаси Давлат матбуот қўмитасида 00001-рақам билан рўйхатга олинган.**
Буюртма Г — 2115,
32212 нусхада босилди,
ҳажми — 2 табоқ.
Офсет усулида босилган.
Қоғоз бичими А—2.

Газета таҳририят компьютер базасида терилди ҳамда операторлар **Ж. ТОҒАЕВ** ва **З. БОЛТАЕВ** томонидан саҳифаланди.

Навбатчи котиб — **Ю. ҲАМИДОВ.**
Навбатчи муҳаррир — **М. САФАРОВ.**
Навбатчи — **У. ФАЙЗИЕВА.**
Мусаҳҳиҳ — **Ш. МАШРАББОЕВ.**

**МАНЗИЛИМИЗ: 700000, ГСП, Тошкент шаҳри, Матбуотчилар кўчаси, 32-уй.**

Таҳририятда ҳажми 5 қоғоздан зиёд материаллар қабул қилинмайди.

**«Шарқ» нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмахонаси. Корхона манзили: «Буюк Турон» кўчаси, 41.**

*Босишга топшириш вақти — 21.00.*
*Топширилди — 23.00*
1 2 3 4 5 6